

Дўзахда абадий қолиш мўмин- мусулмонлардан бошқалар учундир | Ақийда дарслари (246-дарс)



19:00 / 26.09.2023 6153

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дўзах аҳлининг жисмлари дўзахда катталаштирилади. Ҳатто қулоқ учларидан бўйинларигача бўлган масофа етти юз йиллик йўлчалик бўлади. Териларининг қалинлиги етти чиғаноқчалик бўлади. Тишлари эса Уҳуд тоғича бўлади», деганлар.

Энди мана шундай бадан ва терининг соатига етмиш марта куйиб-битиби алмашишини тасаввур қилиб олаверинг!

Дўзахнинг абадийлигига Қуръондан далиллар:

Аллоҳ таоло Бақара сурасида қуйидагиларни айтади:

﴿۸۱﴾ خَلِدُونَ فِيهَا هُمْ وَأَنْسَارٌ أَصْحَابُ مَا أُوتِيَكَ خَطِيئَتُهُمْ بِهِمْ وَأَحْطَتْ سَيِّئَتُهُمْ كَسَبَ مَنْ كَسَبَ

«Йўқ! Ким ёмонлик касб қилса ва уни хатолари қуршаб олган бўлса, ана ўшалар олов соҳибларидир. Улар унда мангу қолувчидирлар» (81-оят).

Аллоҳ таоло Зухруф сурасида қуйидагиларни айтади:

﴿۷۵﴾ مَلْسُونَ فِيهِ وَهُمْ عَنْهُمْ مُقْتَرُونَ لَا ﴿۷۶﴾ خَلِدُونَ فِيهَا عَذَابٌ فِي الْمُجْرِمِينَ إِنَّ

«Албатта, жиноятчилар жаҳаннам азобида мангу қолувчидирлар. У улардан енгиллатилмас ва улар у(азоб)-да ноумид ҳолда қолурлар» (74-75-оятлар).

Яъни аҳли жаҳаннамдан азоб ҳеч енгиллатилмайди. Улар ўша азоб ичида ноумид бўлган ҳолларида абадий қолиб кетадилар.

Аллоҳ таоло Зухруф сурасидаги бошқа бир оятда қуйидагиларни айтади:

﴿۷۷﴾ مَنِكُمْ أَتَىٰ رُبُّكَ عَلَيْنَا لِيَقْضِيَ بِكَ وَنَادُوا

«Эй Молик! Роббинг бизни битирсин!» деб нидо қилдилар. «Албатта, сиз туриб қолувчисиз», деди» (77-оят).

Яъни дўзахийлар ўзларига берилаётган азоблар оғриғи, алами ва шиддатига чидай олмай, дўзах ишларига қараб турувчи Молик исмли фариштага қараб:

«Эй Молик! Роббинг бизни битирсин!» деб нидо қилдилар».

Яъни «Роббинг бизни йўқ қилиб юборсин. Бу ҳолга чидай олмаймиз. Бундан кўра йўқ бўлиб кетганимиз яхши», дедилар. Дўзахдан қутулиш, ундан қайтиб яхши ишлар қилишга имкон бўлмаганидан, азобни енгиллатишдан умидсизликлари сабабли шундай орзу қилдилар. Бу амалга ошадиган орзуми ўзи? Бу талабга Молик нима дейди?

«Албатта, сиз туриб қолувчисиз», деди».

«Эй жаҳаннам аҳллари, бу орзу беҳуда, Роббим сизни йўқ қилиб юбормайди. Акс ҳолда сиз қилмишингиз жазосини олмай, қутулиб кетган

бўласиз. Сиз албатта, жаҳаннамда ва унинг азобида абадий туриб қолишингиз керак».

Дўзахда абадий қолиш мўмин-мусулмонлардан бошқалар учундир. Мўмин-мусулмонлардан гуноҳкор бўлганлари қилган гуноҳига яраша дўзахда жазолангандан кейин жаннатга чиқариладилар. Бу ҳақда «Ақийдатут Таҳовийя»да қуйидагилар айтилган:

«Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларидан бўлган гуноҳи кабира аҳллари, агар муваҳҳид - тавҳидга ишонган ҳолда ўлсалар, гарчи тавба қилувчи бўлмасалар ҳам, Аллоҳга У Зотни таниган ҳолларида рўбарў бўлганларидан кейин дўзахда бардавом қолмаслар. Улар Аллоҳнинг хоҳиши ва ҳукмидадирлар. Агар хоҳласа, уларни мағфират қилади ва Ўз фазли ила афв этади.

Аллоҳ Ўз китобида: «Ва ундан бошқани хоҳлаган кимса учун мағфират қилади», деган[1]. Агар хоҳласа, уларни Ўз адли ила азоблайди. Сўнгра уларни Ўз раҳмати, аҳли тоатнинг шафоати ила у ердан чиқаради. Кейин эса жаннатига юборади. Бу Аллоҳ таоло Ўз аҳли маърифатини дўст тутгани учундир. Уларни икки дунёда Ўзини инкор қилувчилар, Унинг ҳидоятдан ноумид бўлганлар ва дўстлигига сазовор бўлмаганларга ўхшатмагани учундир. Аллоҳим, эй Ислом ва Унинг аҳли дўсти, бизни Исломда собит қил, токи сенга у билан рўбарў бўлайлик».

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 22 июлдаги 03-07/5979-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.

[1] Нисо сураси, 48-оят.